

КИБЕРМАКОНДА РАҚАМЛИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Норқулов Акбар Уроқович

Тошкент давлат юридик университети бўлим бошлиғи, PhD

akbarnorqulov92@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада бугунги кундаги ахборот асри, кибермакон тушунчаси, унинг пайдо бўлиш жиҳатлари атрофлича ёритиб берилган. Кибермакондаги муносабатларни, объектларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари илмий жиҳатдан исботлаб берилган.

Кибермакон деб аталмиш виртуал оламдаги янги муносабатлар, ундаги рақамли идентификация тизимлари, уларнинг тушунчаси, мазмун моҳияти ва аҳамияти атрофлича илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Кибермаконнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланмиш рақамли идентификация тизимларининг функционал ва ҳуқуқий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, рақамли идентификация воситаларининг кибермакон билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлари, бу борада илгор илмий ёндашувлар, тадқиқотчиларнинг фикр ва мулоҳазалари тизимли ўрганиб чиқилган.

Шу билан бир қаторда рақамли идентификация тизимларини ҳимоя қилиш механизмлари, уларни тартибга солишдаги миллий ва халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда уларнинг амалий аҳамияти чуқур таҳлил этилган. Кибермакондаги идентификация тизимларининг интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланиши, интеллектуал мулк объекти сифатидаги мақоми турли илмий манбалар ва етакчи олимларнинг назарий қараишлари асосида комплекс ўрганиб чиқилган.

Кибермаконда рақамли идентификация тизимларининг интеллектуал мулк объекти сифатида бевосита тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ҳамда бу борада рақамли ҳуқуқнинг замонавий талабларга мослаштириш зарурлиги тўғрисида илмий асосланган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: *Кибермакон, интернет, дастурлар, рақамли идентификация тизимлари.*

ABSTRACT

This scientific article provides a comprehensive overview of today's information age, the concept of cyberspace, and aspects of its emergence. The mechanisms for legally regulating relationships and objects in cyberspace are scientifically proven.

The new relationships in the virtual world called cyberspace, digital identification systems in it, their concept, content, and significance are scientifically analyzed in detail. Particular attention is paid to the functional and legal characteristics of digital identification systems, which are considered one of the important elements of cyberspace. In addition, the specific aspects of digital identification tools related to cyberspace, advanced scientific approaches in this regard, and the opinions and considerations of researchers are systematically studied.

At the same time, the mechanisms for protecting digital identification systems, national and international legal norms for their regulation, and their practical significance are deeply analyzed. The status of identification systems in cyberspace as a result of intellectual activity, as an object of intellectual property, has been comprehensively studied based on various scientific sources and the theoretical views of leading scientists.

In cyberspace, scientific proposals have been put forward about the need to improve the legal mechanisms aimed at direct regulation of digital identification systems as an object of intellectual property, as well as the need to adapt digital law to modern requirements.

Key words: *Cyberspace, Internet, programs, digital identification systems.*

КИРИШ

Янги дунё инсонларини янги технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот технологияларининг ривожланиб бориши ўз навбатида билимларнинг дастлабки чегараларини сезиларли даражада кенгайтириш имкониятини яратиб берди. Кибермаконнинг ривожланиб бориши ўз навбатида ундаги муносабатларни, объектларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб бормоқда.

Бу борада Дж.Уррининг фикрини келтириб ўтиш керак, унинг талкинича бутун инсоният 3 асосий шакл асосида намоён бўлади. Булар: табиий объектлар; сунъий объектлар; виртуал объектлар[1].

Бундан кўриниб турибдики, виртуал макон ҳам бутун инсониятнинг ажралмас бир бўғинига айланиб бормоқда. Буни эса бир сўз билан кибермакон дея таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

В.Аносовнинг фикр билдиришича Кибермакон — ахборот технологиялари ёрдамида яратилган муҳит ҳисобланади[2].

Г.Акопов таклиф беришича кибермакон — бутун жаҳондаги компьютер тармоқларини улар ўртасида ахборот айирбошлаш учун бирлаштирадиган дунёдаги энг катта компьютер тармоғидир [3].

Кибермаконда тобора кенгайиб бораётган муносабатлар қаторида рақамли идентификация тизимлари муҳим ўрин эгалламоқда. Замонавий дунёда рақамли идентификация тизимларисиз кибермаконнинг турли соҳаларини тасаввур этиш қийин ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида рақамли идентификация тизимларини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишни тақоза этмоқда.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Кибермакон соҳасида татқиқотни амалга ошириш давомида татқиқ этилган соҳа сифатида кибермакон, кибермаконда идентификация тизимлари, рақамли шахсийлаштириш воситалари ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ўрганилди.

Ўрганилган маълумотлар доирасида кибермакон, виртуал оламдаги барча рақамли идентификация тизимлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган масала ва ечимлар изчил таҳлил асосида ўрганилган.

Илмий татқиқот ишда таҳлил қилиш, тарихий ҳолатларни халқаро муносабатлар асосида таққослаш, илмий асослантириш ва исботлаш, тизимли-мантиқийлик, қиёсий ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс татқиқ этиш, индукция ва дедукция усуллари таҳлил қилинган.

Хусусан, мавзу предмети бўйича ва татқиқот объекти сифатида халқаро ҳуқуқий нормалар ва миллий ҳуқуқий нормалар асосида тизимли таҳлил қилинган.

Мавжуд ҳолатлар кибермакон, кибермакондаги ижтимоий муносабатлар, рақамли идентификация тизимлари, уларнинг келиб чиқиши тарихи, ривожланиш ва интеллектуал мулк объекти сифатида баҳоланишнинг асосий мезонлари таҳлил қилиб ўтилган.

ТАТҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ахборот асрининг ривожланиб бориши рақамли идентификация тизимларига оид муносабатларни, ундаги объектларни ҳам ҳуқуқий тартибга солишни тақоза этмоқда. Бу ўринда рақамли идентификация тизимларининг ҳуқуқий табиатини ёритиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Рақамли идентификация тизимлари — бу шахслар, корхоналар ёки объектларни рақамли маконда тасдиқлаш, аутентификация қилиш ва авторизация қилиш учун ишлатиладиган тизимлардир. Бундай тизимлар кунимизда қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

1. Биометрик идентификация (бармоқ изи, юз скани, кўз қорачиғи скани)

2. Электрон имзо ва рақамли сертификатлар
3. Блокчейн асосидаги идентификация тизимлари
4. Мобил идентификация тизимлари
5. Ижтимоий тармоқларда аутентификация

Рақамли идентификация тизимларининг аҳамиятли томони шундаки, улар ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида эътироф этилади. Бу эса ўз навбатида уларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Кибермаконда рақамли идентификация тизимларидан фойдаланишда қонуний томонларини ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айрим рақамли идентификация тизимлари интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Амалдаги "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуннинг 5 ва 6-моддаларида билвосита рақамли идентификация тизимлари билан боғлиқ нормалар мавжуд.

Хусусан, ушбу қонуннинг 5-моддасида муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида компьютер дастурлари келтирилган, 6-моддада эса муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарлар сифатида электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базасини киритиш мумкин, бу эса рақамли идентификация тизимларига ҳам тааллуқли.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кибермаконнинг асосий объектларида бирига айланиб бораётган рақамли идентификация тизимларини интеллектуал мулк объекти сифатида квалификация қилиш мумкин. Шундай экан, алоҳида яратилган идентификация тизимларидан фойдаланишда муаллифнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилади.

Бундан ташқари умум эътироф этилган халқаро нормаларда ҳам рақамли идентификация тизимларини тартибга солиш механизмлари келтириб ўтилган.

1974 йилги "Йўлдош орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида"ги битим, 1994 йилги "Интеллектуал мулк ҳуқуқларини савдога оид жиҳатлари тўғрисида"ги Битимларда инсон тафаккури орқали яратилган дастурий таъминотларга нисбатан тўлиқ тартибда муаллифлик ҳуқуқи амалга оширилади.

Бундан ташқари амалдаги фуқаролик кодексимизнинг 1031-моддасида кибермакондаги интеллектуал мулк объектлари сифатида қуйидагилар келтириб ўтилган. Улар қуйидагилар:

Интернет тармоғида жойлаштирилган ва сақланадиган интеллектуал фаолият натижалари: электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, ва маълумотлар базаси (веб сайтлар, порталлар, программалар) қиради.

Шуни таъкидлаш керакки, Интернет тармоғида фуқаролик муомиласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар: фирма номлари; товар белгилар (хизмат кўрсатиш белгилари); товарлар чиқарилган жой номи-домен номлари ва веб-сайтлар ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқи объекти ҳисобланади.

Ушбу ҳолатдан англашиладики, кибермакондаги мавжуд рақамли идентификация тизимлари ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланиб, улардан фойдаланишда муаллифнинг розилигини олиш талаб этилади.

Бу ҳақида Х. Рахмонкуловнинг интеллектуал мулкка оид келтирган фикрига тўхталиб қуйидаги фикрни келтирган: интеллектуал мулк моҳияти жиҳатидан ижодий фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларига бўлган махсус ҳуқуқлар йиғиндисини жамловчи тушунчадан иборат бўлиб, адабий, бадий ва илмий асарларга, ихтироларга, саноат мулки ва намуналарига, товар белгиларига, фирма номларига ва бошқа номоддий неъматларга тааллуқли бўлган ҳуқуқларни қамраб олади. Ушбу ижодий фаолият маҳсулотлари интеллектуал мулкнинг объекти ҳисобланади[4].

Муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, компьютер дастурлари орқали яратилган рақамли идентификация тизимлари ҳам асар сифатида баҳолашимиз учун асос бўлади. Бир сўз билан айтганда интеллектуал мулк натижаси билан боғлиқ барча объектлар муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади.

Рақамли идентификация тизимларининг ҳуқуқий тартибга солиниш механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги йўналишларни тавсия этиш мумкин:

1. Миллий қонунчиликда рақамли идентификация тизимларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш
2. Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ нормаларни кучайтириш
3. Рақамли идентификация тизимларини ишлаб чиқувчилар учун лицензиялаш тизимини жорий этиш
4. Рақамли идентификация тизимлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш

ХУЛОСА

Бугунги кунги ахборот асрининг ривожланиб бориши билан ундаги муносабатларнинг ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бугунги кун ҳуқуқшуносларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу эса ўз навбатида кибермаконнинг трансчегаравийлигини инобатга олган ҳолда рақамли идентификация тизимлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш нақадар устувор эканлигини яна бир бор исботлаб бермоқда.

Рақамли идентификация тизимларини шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. стандартлаштирилган (умумфойдаланувдаги) идентификация тизимлари

2. шахсийлаштирилган (махсус ишлаб чиқилган) идентификация тизимлари

Стандартлаштирилган идентификация тизимларидан фойдаланишда кўпинча муаллифлик ҳуқуқи талаб этилмайди. Аксинча шахсийлаштирилган идентификация тизимларидан фойдаланиш эса муаллифнинг розилигини олмаслик муаллифлик ҳуқуқига оид нормаларнинг қўпол бузилишига олиб келади.

Шахсийлаштирилган идентификация тизимларининг аҳамияти шундаки, улардан маълум бир лицензиялар асосида ёки турли келишувлар орқали фойдаланишга рухсат олиш мумкин.

Юқорида келтирилганидек рақамли идентификация тизимларининг интеллектуал мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланиши миллий ва хорижий нормалар орқали билвосита мустаҳкамлаб қўйилганини кўришимиз мумкин.

Бу эса кибермакондаги рақамли идентификация тизимларидан муаллифнинг олдиндан розилигини олмасдан фойдаланиш қонунга мувофиқ эмас деган хулосага келиш мумкин.

REFERENCES

1. Урри Дж. Мобильность. М., 2012. С.306.307.
2. Аносова В. Правовая охрана интернет-сайтов / В. Аносова // ИС. Авторское право и смежные права. – 2013. - №3. - С. 27-32.
3. Акопов Г.Л. Интернет и политика. Модернизация политической системы на основе инновационных политических интернет-коммуникаций: Монография/Москва: КНОРУС, 2017.-238.
4. Рахмонкулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари.-Т.,2009.-Б.117.